



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 85 (13.682)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига тўқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

Биринчидан, давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжлари тизимли таҳлил қилинмапти, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаган;

Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш даражасининг пастлиги барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инobatга олишга имкон бермаёпти;

Учинчидан, етарли қонунчилик базаси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий гояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмади;

Тўртинчидан, мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион гояларни тақлиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмаёпти;

Бешинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларида ортқча бюрократик талаблар ва говлар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермайди;

Олтинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўлланилаётган идоралараро ҳамкорлик усуллари самарасиздир, давлат органлари ўртасида маълумотлар ва ахборот алмашишнинг ягона механизми мавжуд эмас;

Еттинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техника таъминоти ҳанузгача қониқарсиз ҳолатда қолмоқда, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узоқ муддатли кенг кўламли ҳамда умумреспублика миқёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермаёпти.

Мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси Президентини хузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши** (кейинги ўринларда Маслаҳат кенгаши деб юритилади) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

(Давоми 2-бетда)

"МАДАНИЙ МЕРОС ВА ТУРИЗМ" II ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ

Туркия Республикаси ҳамда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан 300 га яқин делегат иштирок этаётган мазкур форум Тошкентдаги Сингапур менежментини ривожлантириш институти ва Туркиянинг Салжуқийлар университети ҳамкорлигида ташкил этилган.

Диёримизнинг тарихий шаҳарлари, маданий ёдгорликлари, сўлим табиати сайёҳлар эътиборини тортиб келади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда туризм соҳасини жадал ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда хорижлик ҳамда мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги етук мутахассислари ту-

ризмни ривожлантириш ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишга доир мавзуларда маъруза қилди. Ўзаро тажриба алмашилиб, ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

Халқаро анжуман келгусида мамлакатимизда туризм индустриясини тараққий эттиришга хизмат қилади.

Форум доирасида маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ва семинар-тренинглар ташкил этилмоқда.

Асқар МАМИН:

"ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТАЁТГАН ЭЪТИБОРИ БАРЧАГА НАМУНА БЎЛМОҚДА"

Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўша комиссия ҳамраиси Асқар МАМИН давлатимиз раҳбари билан мулоқотдан сўнг ЎЗА мухбири қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашувимиз гоят самарали кечди. Мулоқот давомида мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги кенг кўламли муносабатларни ривожлантириш ма-

салалари юзасидан фикр алмашдик. Қозоғистонда 2018 йил – Ўзбекистон йили деб эълон қилингани муносабати билан белгиланган барча тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Бу мамлакатларимизнинг дўстона алоқалари ривожига янги руҳ бағишламоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осий минтақасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги амалий қадамлари барча давлатларга ўрнак бўлмоқда.

ЎЗА мухбири
М.ЭЛМУРОДОВ
ёзиб олди

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Аждодлар хотирасини ёд этиш, эзгу ишларини давом эттириш, юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиш халқимизга хос фазилат.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат баҳо келтириш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган, оғир кунларни сабр-бардosh билан енгган фахрийларимизга юксак эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш давлатимизнинг ҳамиша эътиборида бўлиб келмоқда.

Айни кунларда барча давлат ва жамоат ташкилотлари қаторида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари томонидан ҳам жойларда кексалар ҳолидан хабар олинди, улар иштирокида учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон "Адолат" СДП марказий аппарати ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан "Ўзбекистон – инсон қадрли улуғланган юрт" лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Партия фаоллари, депутатлар ҳамда "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари Чилонзор тумани 2-Чарх Камолон маҳалласида истиқомат қилаёт-

ган Иккинчи жаҳон урушининг фронт орти фахрийлари хонадонларига ташриф буюриб, улар ҳолидан хабар олишди, дилдан суҳбат қуришди.

Фахрийлар дунё халқлари бошига мусибат солган машъум уруш, ўша оғир кунларни матонат билан енгиб ўтган ота-боболаримизнинг энгилмас иродаси, кексиз матонати ҳақида сўзлаб берди. Ёшларга бугунги тинч-осойишта кунларга осонлик билан эришилмагани, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш лозимлиги, юртимизда яратилган шароит ва имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда чуқур билим олиш, яхши касб эгаси бўлиш, шу орқали Ватанимиз тараққиёти учун ҳисса қўшиш ёш авлоднинг муқаддас бурчи эканлиги таъкидланди.

2-Чарх Камолон маҳалласидаги "Завқий" кўчаси, 27-хонадонда истиқомат қилувчи фронт орти меҳнат фахрийси Ҳалима Носирова бугун 93 ёшда фарзандлари, невар ва чеваралари ардоғида кексалик гаштини сурмоқда. Онахон кўли дуода, бугунги доруломон кунларга шукроналик келтириб,

умргузaronлик қилмоқда. У бугун давлатимиз томонидан ёши улуг инсонларга кўрсатилаётган эътибордан мамнун.

– Мен уруш бошланганда балоғат ёшидаги қизалоқ эдим, – дейди онахон. – Халқимиз ўша йиллари жуда оғир қийинчиликларни бошдан кечирди. Уруш олови миллионлаб масофа узоқликда бўлишига қарамасдан фронт ортидаги, айниқса, биз каби аёллар, болалар ва кексаларнинг ҳаётини издан чиқарди. Уруш таъминотидаги бор оғирлик бизларнинг бўйнимизда эди. Шундай бир оғир даврда ҳам ўзбек аёллари ўз фарзандлари қатори уруш давом этаётган ҳудудлардан юртимизга кўчириб келтирилган минглаб болаларга оналик қилиб, уларни ўз фарзандларидек бағрига олди. Бугунгидек тинч-осойишта, бахтли кунлар ўша даврда ҳар бир онанинг орзуси эди.

Ушбу маҳаллада яшовчи Владимир Семушкиннинг ҳам айни ўсмирлик чоғлари ўша машъум уруш йилларига тўғри келади. Отахон ўшанда эндигина 13 ёшни қаршилаган бўлишига қарамасдан ҳарбий самолёт завоғида ишга кириб, ўз тенгқурлари қатори урушдаги ғалаба ва бугунги тинч ва осуда кунларимиз учун ўз ҳиссасини қўшди.

– Шу кунларга етказганига шукр, Президентимизнинг биз, фахрийларга кўрсатаётган ғамхўрлик ва эътибори ёшимизга ёш қўшмоқда, – дейди В.Семушкин. – Инсоният бошига уруш ҳеч қачон қайтмасин, биз кўрган кунларни бошқа ҳеч қачон кўрмасин. Юртимиздаги тинчликка, халқимиз фаровонлигига, ёшларимиз қўлга киритаётган ютуқларга кўз тегмасин.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганчда "Аҳоли бандлигини таъминлаш – долзарб ижтимоий масала" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида кўшни давлатдан ўқиш истагида келган бир гуруҳ ёшларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

• Фарғонада умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Ёш кутқарувчи" мусобақасининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

• Қашқадарё вилояти иқтисодий суди янги бинода фаолият бошлади. "Чоштепа чашмаси" корхонаси томонидан 6 миллиард 68 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

• Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида Россия соғлиқни сақлаш вазирлигининг Н.Блохин номидаги миллий онкология тиббий тадқиқот маркази мутахассислари иштирокида конференция ўтказилди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси Раиси М.Ерниязов 9 май – Хотира ва қадрлаш куни олдиан Нукус шаҳрида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг хонадонида бўлиб, байрам совғаларини топширди.

ЖАҲОНДА

• Борнео оролидаги Малио Бейсин кўриқхонасида тадқиқот олиб борган ҳолдан энтомологлари янги кўнгиз турини аниқлашди. Сув кўнғизининг янги турини филантроп ва биотурлар учун кураш олиб борувчи актёр Леонардо Ди Каприо номига "Grouvellinus Leonardodicaprio" деб аташди.

• Лондон шимолида яҳудийлар байрами вақтида портлаш содир этилди. Натижада 30 киши жароҳат олди. Портлашга мобил телефон ёки ёнғич модда сабаб бўлган.

• Мексиканиннг Пуэбла штати бош прокуратураси Сан-Мартин-Тексменуگان шаҳри полициясининг бирдалик 119 нафар ходимини ҳибсга олди. Улар турли жиноятларни содир этишда гумон қилинмоқдалар.

• Испания туризм кўмитаси Майорка, Форментера ва Ибиза каби ҳудудларда таътилга келадиган сайёҳлар учун солиқни икки бараварга оширди. Нарҳли солиқ олиш киши бошига 4 евродан бошланиб, сайёҳлар афзал кўрган таътил шаклига қараб ўсиб бораверади.

• Ҳиндистонда 1643 йили Бобурийлар томонидан Мумтозмаҳал бегимга атаб бунёд этилган Тожмаҳалнинг мармарлари ифлос ҳаво туфайли сарғайгани, айрим жойлари кўнғир ҳамда яшил тусга киргани айтилмоқда. Тарихий обида яқинидаги завод ва фабрикалардан чиқаётган чанг-ғубор ҳам Тожмаҳалга зарар етказаяпти. Шу боис ҳукумат зиёратгоҳга яқин завод ва фабрикаларни кўчиришга топшириқ берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва хар томонлама ривожлантиришга қаратилган савий-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очик-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш;

ўрта мuddатли ва узок мuddатли истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва миллий моделини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиш;

давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмлари, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

илмий ва экспертлар гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан ташаббус қўрсатиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сийосати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини тақомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш;

фуқаролик жамиятининг ривожланишини, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, бу кўрсаткичлар асосида даврий ва махсус, шу жумладан муқобил маърузалар тайёрлашини ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда кўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки: Маслаҳат кенгаши фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мувофиқлаштирилади;

Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2018 йил 1 июндан бошлаб: рўйхатдан ўтказувчи орган билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилади;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобварақларига чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан уларнинг уставларида (низомларида) назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келиширилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ажратилган грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг мамлакатдаги истаган банк муассасаларида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушади;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган келиб тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади;

жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, вазийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган муқофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг

барча харажатлари суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги керак;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган мuddатда қуйидагиларга доир ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этиш имкониятини таъминловчи электрон тизимни ишлаб чиқсин ва жорий этсин: нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишга, қайта рўйхатдан ўтказишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилишга;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларига;

нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишишга;

б) икки ой мuddатда: нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мониторинг қилиш ва ўрганиш турлари, мuddатлари, даврийлиги ва бошқа тартиб-таомилларни назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари ҳамда уни тақдим этиш тартибини соддалаштириш бўйича чоралар кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ой мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ташкил қилсин ҳамда улар ўз фаолиятини амалга оширишни давом эттириши учун 2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, маҳаллий бюджетлардан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

8. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган мuddатда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг худудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари"ни ташкил этсин;

мазкур биноларга янги ташкил этилган, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловининг "ноль" ставкасини қўллаган ҳолда жойлаштириш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий суд, Бош прокуратура билан биргаликда бир ой мuddатда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ундирувларини қайта кўриб чиқиш ва сезиларли даражада қисқартириш бўйича таклифлар киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенге-

си, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссияларни ташкил этиш; нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этишни амалиётга киритиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда:

қонун ҳужжатларини бузайтган ва тақиқланган фаолият билан шуғулланаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини аниқлаш бўйича адлия органларининг бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилсин; гуманитар ёрдам олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилни соддалаштириш ва мuddатларини қисқартириш чораларини кўрган ҳолда, шунингдек, ушбу соҳада ягона ваколатли органни белгиланган ҳолда, Гуманитар ёрдам юкларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ҳамда гуманитар лойиҳалар устидан мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқсин ва унинг янги тахририни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасида волонтерлар (кўнгилчилар) ҳаракатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

13. Манфаатдор вазирлик ва идоралар амалдаги штатлар сони доирасида раҳбар ўринбосарларидан бирини нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъул этиб белгилансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мамлакатда нодавлат нотижорат секторини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакилларига ҳамда ташаббускор фуқароларга фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга катта таъсир қўрсатган ишлари ва ютуқлари учун топшириладиган "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Танлов ўтказиш ва муваффақиятли ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятни амалга оширганлик учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳар йили муқофот бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тавсия этилсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий фаолияти аҳоли орасида мунтазам равишда ва кенг ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар бир ой мuddатда ўзи қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р.Р.Иноятов ва Р.Т.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 4 май

ОАВ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасида Тошкент шаҳридаги етмишдан зиёд босма оммавий ахборот воситалари иштирокида "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати ахборот соҳасидаги мавжуд ҳуқуқий ва бошқа камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди. Хусусан, шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан сўнгги бир йил давомида оммавий ахборот воситалари муассиси ва тахрирларига эллиқдан зиёд курсатма хатлари киритилгани таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари номи, қабул қилинган санаси ва нормаларига оид маълумот-

ларни аниқ ва тўғри ёзиш бўйича зарур тушунтиришлар берилди.

Учрашув сўнггида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг илмий-маърифий билимини оширишга ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган мақолалар, ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга, долзарб мавзуларни тўғри танлаётган ва тежорлик билан чоп этиб келаётган босма нашрларга алоҳида миннатдорлик билдирилди.

Журналистлар соҳага тааллуқли бўлган, уларни қизиқтириб келаётган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб олинди. Ш.ЗОКИРОВ

ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИЛМОҚДА

Мамлакатимизда барча соҳаларга замонавий технологиялар ва инновацион ғояларни жорий этган ҳолда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда юқори самарадорликка эришишга катта эътибор қаратилмоқда.

"Ўзаробсаноят" акциядорлик жамияти томонидан ҳам узумчиликка янги технологияларни қўллаган ҳолда техник узум майдонларини қўпайтириш, бунда жаҳон бозорида катта талабга эга бўлган генетик жиҳатдан янги, машҳур ва истиқболли узум навларни етиштириш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бу ҳақда Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган брифингда таъкидлаб ўтилди.

Техник узумнинг машҳур ва истиқболли навларини яратишда академик Махмуд Мирзаев номдаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Усиликхўнослик илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда микронлашган усулда, узумнинг "in vitro" генофонди коллекцияларини яратиш ва пилитомникларда қўпайтириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Жамият таркибидоғи қайта ишлаш корхоналари тасарруфида бугунги кунда 4273 гектар техник навли узумзорлар мавжуд. Корхоналар томонидан 2018-2021 йил-

лар давомида Жиззах вилоятининг Бахмал, Янгибод ва Зомин туманларида 9 минг 750 гектар майдонда янги техник навли узумзорлар барпо этилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида 10 минг янги иш ўринлари яратилиб, ушбу ҳудудлардаги маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади.

Узумнинг техник навларини ташкил этиш учун ер майдонлари ажратилиши ҳоли ҳосил олиш учун зарур бўлган тупроқнинг унумдорлиги, сув билан таъминланган манбааларнинг мавжудлиги ҳисобга олинди. "Ўзаробсаноят" АЖнинг саноят узумчилиги ва бошқа ҳам аше базасини ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи Жамшид Аҳмеджанов: "Шу билан бирга, узумзорлар қайта ишлаш шохобчаларидан узоқ бўлмаган ҳудудларда бўлиши ҳам назарда тутилган.

Тадбирда соҳага оид қонун ҳужжатлари ва қарорлар ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилди. Абдуалим САЛИМОВ

Халқаро пресс-клубда

БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИ

Президентимиз томонидан имзоланган ва ҳаётга жадал татбиқ этилаётган барча фармон ва қарорларни халқимиз катта қувонч, зўр ишонч билан қабул қилмоқда. Улар замирида халқчил ислохотларнинг амалий ифодаси намоён. 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Президент Фармони ҳам ниҳоятда долзарб ва бир неча йиллардан буюн ечимини қўлаётган муҳим ижтимоий масалага оқибатга ёндашув бўлди.

Халқаро пресс-клуб сессиясида мазкур фармоннинг мазмун-моҳияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги масъул ходимлари, маҳалла фаолларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Таъкидландики, мамлакатда аҳолига, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида муносиб уй-жой шароитларини яратишга қаратилган кенг қўламли давлат дастурлари амалга оширилди. Хусусан, 2009-2017 йиллар давомида 81 минг 992 ўй қурилди, 6 минг 624 уй-жой массиви барпо этилди, зарур муҳандислик-коммуникация инфраструктуралари ўтказилиши таъминланди. 2016 йилдан қишлоқ аҳолиси учун янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишини назарда тутувчи сифат жиҳатидан янги давлат дастури амалга оширилмоқда. 2017 йилнинг ўзида қишлоқ жойларида 18 мингдан ортиқ қулай шарт-шароитга эга бўлган ўй барпо этилди. Ўз навбатида, фуқароларнинг қонунийликда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер участкаларида яқин тартибда уй-жой қуриш ҳуқуқи қафолатланган.

Сир эмас, ер тузиш ва кадастр органлари томонидан ўтказилган республика кўчмас мулк фондининг янги хатловига яқин тартибда уй-жой қуриш соҳасида, айниқса, қишлоқ жойларида қонунийлигини таъминлаш масалаларида тизимли хатолар ва жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, уй-жойга эга бўлиш ва қуришни қонуний механизмлари мавжуд бўлишига қарамастан, минглаб фуқаролар кўп йиллар давомида ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларида яқин тартибда уй-жойларни қонуний барпо этишган.

Бундай ҳолатларнинг ўзи беришига давлат органлари, энг аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, шу жумладан, ер кадастри, архитектура ва қурилиш соҳасидаги ваколатли органларнинг беларовлиги сабаб бўлди. Шунингдек, фуқароларга ер участкаларини уй-жой қуриш учун муайян тўлов эвазига қонуний бериш юзасидан фермер ва деҳқон ҳужжалиларининг тил бириктириши бўйича қўллаб-қувватлаш мавжуд.

Натижада ушбу муаммо бутун республика бўйича оммавий тус олди ва уй-жой учун зарур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги аҳолида бошқа ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига, хусусан, ҳақиқатда яшаб турган жойга прописка қилиниши, мулк ҳуқуқига эга бўлиш ва уни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслигига олиб келди.

Яқин вақт мобайнида фуқаролардан уй-жой мулкига кадастр ҳужжатларини беришни сўраб Президент Виртуал қабулхонасига 5 мингдан ортиқ депутатлар, сенаторлар, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда 3 мингдан зиёд мувожаз келиб тушган.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармони билан фуқароларнинг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкалари ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмастан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилинди. Унга кўра, 2019 йил 1 майгача мазкур фармон қабул қилинган вақтга қадар қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмастан қурилган турар жойга, яъни ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи ушбу объектга ўз шахсий мулки каби ҳалол, ошкора ва улуқсиз эгаллик қилаётган шахсга нисбатан тақдим этилади.

Бунда ер участкаси унга қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашмағлиги, ўзбошимчилик билан қурилган иморат шахарсозлик нормалари ва қондалари талабларини бузмаётгани бош мезон сифатида қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этиладиган Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссиянинг тақдимномасига кўра, туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан амалга оширилади. Бу жараёнда фуқаролар энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорига бир марталик йўғим тўлаши керак бўлади.

Фармонда бир марталик акциянинг амал қилиш мuddати туғагунга қадар судларга ўзбошимчилик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш бўйича даъво киритиш тўхтаб турилиши қайд этилган. Қонун ҳужжатларига асосан турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашган ер участкасида (участканинг бир қисмида) қурилган объектлар бундан мустанок экани кўрсатилган.

Тадбирда бу борадаги жараён билан боғлиқ мезонлар ҳақидаги саволларга жавоб берилди. Тошкент вилояти фуқароларининг фармонга муносабати ақс этган лаваҳ намойиш этилди.

Улуғбек АСРОПОВ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ НОМИДАН ҚЎЛ СОАТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ва “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши фахрийларини табриклаган бағишланган тантанали тадбирлар давом этмоқда.

Мудофаа вазирлиги вакиллари томонидан юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган уруш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентини номидан қўл соатлари ва табрик хатлари топширилмоқда.

Биз пойтахтимизда бўлиб ўтган ана шундай тадбирлардан бирида бўлдик.

Нафақадаги подполковник Павел Материков “Кизил Юлдуз” ва “Улуғ Ватан уруши” орденлари, Ўзбекистон Республикасининг “Жасорат” медали ва кўлаб медаллар безаб турган байрам муңдирини катта мамнуният билан кийиб, собиқ 22-ҳарбий шаҳарча ҳудудида ўтказилган ҳарбий-ватанпарварлик рўқддаги учрашувида иштирок этди.

Биз, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган ғамхўрлик учун Президентимизга алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман, – дейди Павел Александрович. – Энди ҳар сафар янги қўл соатимга қараганда, бу эътиборни қалбдан ҳис қилиб тураман.

Шу кунги Яққасарой тумани Мудофаа ишлари бўлими вакиллари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 96 ёшли Рашид Хабибуллиннинг уйига ҳам таширф бўлди. Рашид Усмонович Тошкент Олий ўқув юрти кўмақчилик билим юрти (ҳозирги Куролли Кўчлар академияси)ни тугатиб, фронтга жўнаб кетди. Сталинграддаги дахшатли жанглар йиғитча ҳаётдаги илк уруш сабоғи, тақдир синови бўлди. Оғир контузиядан сўнг, у Олтой ўлкасидаги ҳарбий қисмларнинг бирида армия хизматини ўтади.

Тошкентда қайтган, урушдан кейин пойтахтни тиклаш ишларида фаол иштирок этди, “Главатшкентстрой” бошқармасига қарашли трестларнинг бирида муҳандис бўлиб ишлади. Уч нафар қизни тарбиялаб, воёга етказди. Рашид Хабибулин бугунги кунда кўлаб невараларнинг севимли бобоси.

Мудофаа вазирлиги вакили, подполковник Максим Силантеев уруш фахрийсига Президентимиз номидан қўл соатлари совғани топширди, туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Улугбек Фозиев эса давлатимиз раҳбарининг байрам табригини ўқиб эшиттирди.

– Илоҳим, бизнинг авлодларимиз уруш дахшатларини кўрмасин, – дейди Рашид Усмонович. – Юртимизнинг оқилона сиёсати ту-

файли Ўзбекистон кун сайин чирой очиб бормоқда.

Шу кунги уруш фахрийси Николай Петрунинга ҳам Президентимиз совғаси топширилди. Яшнобод туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси меҳмонларнинг саволларига жавоб берар экан, яна бир зумга ҳарбийликда ўтган ёшлигига қайтгандек бўлди. Унинг кўзлари ҳудди ёш йиғитларникидек чакна, овози дадиллашди, ўтмиш хотиралари, бошдан кечирган қийинчилик ва машаққатларини оз вақтга бўлса-да унутмади, кўнгли ёзилди.

– Дахшатли уруш таассуротлари, мусаффо осмонимиз учун жонини фидо қилган миллионлаб инсонларнинг хотираси қалбимизда яшар экан, биз тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашга сидқидилдан ҳаракат қиламиз, – дейди Николай Георгиевич. – Усиб келаётган навқирон авлоднинг ғамхўрлиги бизга куч-ғайрат бағишлайди. Биз, фахрийларга шундай қўл соатлари совға ва табрик хатини йўллаган Президентимизга чин дилдан миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Полковник Иқболжон Абдураҳмонов бугунги кунда Ватан ҳимоячилари мамлакатимиз суверенитетини сақлаш йўлида мардлик ва жасорат аъналарини юксак фахр ва ифтихор билан давом эттиришга интилаётганини таъкидлади.

Юртимизнинг қароридида куйидаги сўзлар келтирилган: “Халқимизнинг кадр-қиммати, миллий аъналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашда бўлишга ирода ва жасорат намунасини амалда намойиш этиб, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш – бизга тинчлик, омонлик керак, деб яшайдиган бағрикенг халқимизга ҳок эазалий қадрият-дир”.

Президентимиз номидан тақдим этилган қўл соатлари уруш фахрийларига бўлган ҳечқис ҳурмат рамзи бўлди, улар кўрсатган қаҳрамонлик халқимиз ёдида ҳамisha муқаддас қадрият сифатида муҳрланиб қолади.

Аблай КАМОЛОВ



ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТИ ЁШЛАРГА ИБРАТ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамкорлигида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб “Уч авлод учрашуви” маънавий-маърифий тадбири ўтказилди.

Мазкур учрашув Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида уюштирилди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад – Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, оловли жангҳоларда жасорат ва матонат кўрсатган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг шонли ҳаёт йўллариини ёш авлодга яна бир бор ўрнак қилиб кўрсатиш, уларда ватанпарварлик ҳиссини янада мустақкамлашдан иборат.

Тадбир давомида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари Мадаммин ота Ҳасанов, Аббос ота Алпанов порлоқ келажагимизни фашизм деган балодан ҳимоя қилиш мақсадида босиб ўтган ўзларининг суронли йилларидаги таассуротлари, халқимизнинг қаҳрамонлиги ва фидоко-

рона меҳнатлари ҳақида ёшларга гапириб берди. Тинч-осойишта ҳаётнинг, оғоҳликнинг қадри, фаровон турмушнинг ҳикмати, фидойилик каби инсонийлик фазилатлар хусусида насиҳат қилди.

– Бу каби тадбирлар ёш авлодни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, меҳроқибат рўқдда тарбиялаш, азалий аъна ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, улар қалбиди Ватанга садоқат, хайру саховат каби фазилатларни шакллантиришга хизмат қилмоқда, – дейди ЎЗА мухбирига Парламент кўйи палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Аҳмад Раҳмонов. – Ёшлар боболаримизнинг қаҳрамонлиги улар учун ҳаёт мактаби эканлигини тушуниб етишлари зарур.

Уруш қатнашчиларига Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг эсдалик совғалари топширилди.

Нурилла НАСРИЕВ

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бораётгани том маънода халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашга ҳамда мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш борасида жаҳон андозаларига мос қонулар яратиш, мавжудларини тақомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Зеро, адолатли қонулар жамият ҳаёти, ривожланиши ва демократик тараққиётнинг негизидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан кунча кеча дунё ҳамжамияти нигоҳи қаратилган “Харақатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон таърихи” мавзусидаги халқаро конференцияда мамлакатимизда барча соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар, янги ташаббуслар, инновацион гоғлар, меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари томонидан изчил амалга оширилаётган ишлар ҳақида халқаро экспертлар Ўзбекистон таърихасини тан олиб, ўз фикрларини билдирдилар.

Ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан бир қаторда ҳодимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги, шунингдек, ушбу йўналишдаги ҳаракатни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб борилиши – касаба уюшмалари фаолиятининг асосий негизи эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Яқинда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан “Меҳнат муҳофазаси: ёш ҳодимларни қўллаб-қувватлаш” шиори остида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда мулкчилик шаклидан қатъи назар қорхона, ташкилот ва муассасалар иш берувчилари, касаба уюшмалари ташкилотлари расислари, техник хавфсизлик муҳандислари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан идоралараро ишчи гуруҳи аъзолари соҳада рўй бераётган янгиликлар ҳақида батафсил тушунчалар бердилар. Жойларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, иш берувчилар ҳамда касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад – меҳнатда жароҳатланиш ва ҳодимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишининг олдини олишга иш берувчилар ва ҳодимлар эъти-

борини кучайтириш, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши устидан давлат ва жамоатчилик нозирларини олиб боришда ижтимоий шериклини ривожлантиришдир.

Таъриба шуни кўрсатадики, хавфсизлик маданиятининг юқори даражада бўлиши меҳнатқашларга, иш берувчиларга ва ҳукуматга бирдек наф келтиради. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан меҳнат муҳофазаси йўналишидаги ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунга амал қилиниши юзасидан бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ва иш берувчилар ҳамкорлигида тизимли тадбирлар ташкил этилиб, жамоа шартномалари асосида ҳодимлар махсус кийим-бош, профилактика озиқ-овқатлари билан таъминланмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, жорий йилнинг апрель ойи пойтахт қорхона, ташкилот ва муассасаларида “Меҳнат хавфсизлиги ойлиги” деб эълон қилиниб ҳамкор ташкилотлар иштирокида мазкур йўналишдаги ишлар кучайтирилади.

Бугунги кунда касаба уюшмалари ва ҳамкор ташкилотлар, идоралараро ишчи гуруҳи аъзолари иштирокида раҳбарлар, инженер-техник ҳодимлар, бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллари ва комиссияларнинг ўқуви ўтказилмоқда.

Давра суҳбатида мазкур йўналишлардаги ишларни янада кучайтириш, шу мақсадда ҳамкор ташкилотлар билан ижтимоий шериклини ривожлантириш борасида тизимли тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, тадбир доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами”, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликдаги “Касб касалликларнинг замонавий ҳолати ва унинг профилактика чора-тадбирлари” юзасидан услубий қўлланмалар тақдимотлари ҳам ташкиллаштирилди.

**Р.МАҲАМАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими мудири**

Тадбирлар

ВАТАНИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Транспорт прокуратураси билан ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний экстремизм, одам савдоси, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш ва бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, салбий иллатларга барҳам бериш ҳамда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти борасида сўз борди.

– Бугунги кунда институтимиз миқёсида ўтказилаётган маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий тадбирлар негизда юртимиз тинчлигини мустақкамлаш, асраш, турли ёт гоғларга қарши курашиш талаба-ёшларни оғоҳ ва сергаҳ бўлишга қорлаш асосий мақсад қилиб олинган, – дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Дилшод Баратов.

Тадбирда талабаларга “Афросиёб”, “Ангрен-Пол” йўналишидаги йўловчи поездларнинг вагон ойналарига тош отиш ҳолатлари ва ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган-

лар ҳақида ҳикоя қилувчи “Нигоҳ” деб номланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Шунингдек, транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси мутасаддиларининг мамлакатимиз темир йўлларида йиллар давомида рўй берган бахтсиз ҳодисалар, йўловчи ва юк поездларига тош отиш, темир йўл рельсларида жисм қўйиш ҳолатлари ҳақидаги статистика маълумотлар келтирилди.

Талабаларни оғоҳ ва зийрак бўлишга, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда фаолик кўрсатишга чақирди.

Хуршида ЮСУПОВА

БАЙРАМ ТАДБИРИ

Пойтахтимиздаги Амир Темури хибонидида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Муқимий номидида Ўзбекистон давлат мусиқали театри ва Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида “Хотира – абадий” шиори остида мусиқий акция ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида уюштирилган тадбирдан мақсад Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ёши улуғлар, турли соҳаларда фидойилик кўрсатган аждодларимизни ҳурматлаш, уларни эъзозлашдан иборат. Шунингдек, ёшларда ватанпарварлик, инсонийлик фазилатларини юксалтириш, уларни мустақиллик, тинчлик ва фаровонликнинг қадрига етишга ундашдир.

Санъаткорларнинг Ватанини мадҳ этувчи кўшиқлари, актёрларнинг сахна кўринишлари, сўз усталарининг кайфиятни кўтарувчи чиқишлари тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Б.МЕЛИКУЛОВА

“BUSINESS WAY” ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТИ

ЎзЛиДеП ҳамда Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда амалга оширилаётган янги лойиҳага биноан тадбиркорлар, ёшлар, инвесторлар учун бир қатор интерактив хизматлар йўлга қўйилади.

Бу ҳақда пойтахтимизда лойиҳа тақдимоти-га бағишлаб ўтказилган тадбирда маълум қилинди.

– Мазкур бизнес майдончанинг ташкил этилишидан асосий мақсад инновацион ва замонавий бизнес гоғларини амалга ошириш орзусидаги ёшларни тадбиркорлар билан учраштириб, уларнинг ишланмаларини амалиётга татбиқ этишга йўналтириш ҳамда тадбиркорларга яқиндан кўмаклашишдир, – дейди Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент шаҳар филиали раҳбари А.Мухсинов.

“Business Way” лойиҳасининг тақдимоти, айниқса, ёшлар томонидан қизиқиш билан қарши олинди.

Тадбирда ўз бизнесини бошлаш ниятида бўлган ёшлар режалари билан таништирди.

(ЎЗА)

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлашга тақомиллаштиришга бағишланган очиқ мулоқот ўтказилди.

Бугунги кунда туризм дунёда энг илғор ва сердаромад соҳалардан бирига айланди. БМТ маълумотига қара, дунёда 200 миллионга яқин киши ушбу соҳада меҳнат қилади, жаҳон иқтисодиётида халқаро туризмдан тушаётган даромад 1 триллион АҚШ долларидан кўпроқни ташкил қилмоқда, дунё бўйича сайёҳлар сони йилга 4-5 фоиз кўпайиб, ҳар йили бошқа давлатларга саёҳат қилувчилар сони 1 миллиарддан ошмоқда.

Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик қўламини ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар рўйхатидан ўрин эгаллаган. Мамлакатимизда 7 мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик мавжуд. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Бугун юртимизда 800 дан ортиқ сайёҳлик ташкилоти фаолият кўрсатади, 600 дан зиёд замонавий меҳмонхона, сайёҳлик базаси ва кемпинг бор.

Мамлакатимизда туризм ривожланиши соҳа ҳодимларига бўлган талабни кучайтирмоқда. Айни кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университети халқаро туризм факультети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ҳамда пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтлари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги коллежларда сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Очиқ мулоқотда мамлакатимизда туризм таълимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида тақдимот берилди. Хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишда соҳа мутахассислари малакасини муҳим ўрин тутуши таъкидланди. Туризм коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш, соҳага оид ўқув дастурларини тақомиллаштириш, туризм соҳасида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш, ўқув муассасалари билан иш тақлиф этувчилар ўртасидаги алоқаларни мустақкамлаш, бу борадаги халқаро таърибани ўрганиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Иштирокчилар Тошкент давлат иқтисодиёт университети халқаро туризм факультети таълим жараёни билан танишдилар.

**Инобат АҲАТОВА,
ЎЗА мухбири**



БИЗ СОҒЛОМ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Тошкент тиббиёт академиясининг "Шифокор" спорт мажмуасида "Биз соғлом юрт фарзандларимиз!" шиори остида спорт байрами ташкил этилди.

Тадбир "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда академияда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, ходимлар, талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилди.

Спорт мажмуасига кириш йўлларида мустақиллик йилларида юртимизда, шу жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг эришган ютуқлари, "Соғлом турмуш тарзи!" тарғиботида оид баннерлар ўрнатилган.

Кутаринки кайфиятда ўтган тадбир доирасида апрель ойи давомида талаба-ёшлар ўртасида спортнинг мини-футбол, стол тенниси, шахмат,

волейбол турлари бўйича Тошкент тиббиёт академияси ректор кубоги ва талабалар турар жойлари дирекцияси кубоги мусобақаларида фаол иштирок этган ва олий ўринни эгаллаган жамоалар Тошкент тиббиёт академияси ректорининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

"Биз соғлом юрт фарзандларимиз!" шиори остида спорт байрамини Тошкент тиббиёт академияси ректори Л.Туйчиев очиб бериб, соғлом турмуш тарзи ва спортни кенг тарғиб этишда фаол иштирок этаётган жамоаларга ташаккур изҳор этди ҳамда спорт мусобақаларида уларга муваффақият ёр бўлишини тилади.

Тадбирда даволаш, тиббий педагогика, тиббий

профилактика-биология, Врачлар малакасини ошириш, ҳарбий, олий маълумотли ҳамшира факультетлари, магистратура босқичи, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей, академиянинг I, II, III клиника ходимлари ва ёшлардан иборат жамоалар аъзолари бор маҳоратларини намоён этишди.

Ушбу спорт байрамида профессор-ўқитувчилар, талабалар ва ходимлар оилалари ўртасида эстафетали югуриш, арқон тортиш, тош кўтариш баҳслари ҳамда шейпинг мусобақалари ўтказилди.

Тадбирда жарчилар чиқиши, Тошкент тиббиёт академияси талабалари ўртасидаги "Талабалик баҳори - 2018" кўрик-танлови ғолибларининг концерт дастури намойиш этилди. "Болажонлар" концерт гуруҳи ва спорт турлари бўйича кўргазмали чиқишлар, Ж.Қурбонов ва М.Абдуллаевлар ихроларидаги куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Тадбирда фаол иштирок этган жамоалар Тошкент тиббиёт академияси ректорининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Кутбиддин НИЗОМОВ, Дўстмурод ХУДАЙҚУЛОВ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ФЕСТИВАЛИ

Чилонзор тумани "Баркамол авлод" болалар марказида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан "Миллий қадриятлар" танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди.

Унда Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази ва 11 та туман "Баркамол авлод" болалар марказлари ижодий жамоалари бор маҳоратларини иқтидорларини намоён этишди.

Мамлакатимизда ёшларимиз билимли, ҳунарли, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топиши йўлида барча шароитлар яратилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар марказининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Раъно Мадиева. — Ўз ўрнида бундай шарт-шароит, имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ўғил-қизларимиз кўплай ютуқларни қўлга киритишмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг қизиқишига мувофиқ ижодий ва бадиий қобилиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар онгига меҳнат-севарлик, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини сингдириш мақсадида жорий йилнинг апрель ойида "Баркамол авлод" болалар марказлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ўзбекистон давлат кўмитаси билан ҳамкорликда марказ тўғрақ аъзолари ўртасида "Миллий қадриятлар" кўргазмали фестиваль-танлов ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг тегишли дастури ҳамда вазирликнинг 2018 йилга мўлжалланган иш режасининг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган фестиваль-танлов тасвирий санъат, либослар дизайни, мунчоқли безак, бадиий тўқиш, дўппидўзлик, кўлолчилик ва майда пластика, юмшоқ ўйинчоқлар ва кўйирчоқлар, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишларда ўтказилди.

Танлов шартларини Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сухроб Қирғизбоев, бошқарманинг маънавий-ахлоқий таълим, мактабдан ташқари таълим муассасалари методисти Фароғат Аҳмадҷонова ва Ўзбекистон

тон Бадиий академиясининг малакали мутахассисларидан иборат ҳакамлар хайъати баҳолаб боришди.

Барча йўналишларда эгалланган I, II, III-ўрин соҳибларидан ташқари "Миллий қадриятларни эъзозлаган жамоа", "Энг ноанъанавий кўргазма ташкил этган жамоа", "Энг замонавий кўргазма ташкил этган жамоа" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Шунингдек, яққоҳон иштирокчилар ўртасида ҳам энг муносиблар сараланди. Тасвирий санъат йўналишида "Энг ёш расом" номинациясида 1-ўринни Шайхонтоҳур туманидан Абдурахмон Турсунхўжаев эгаллади. Либослар дизайни йўналишида "Миллий гурур-миллий ифтихор" номинациясида ғолиблик Чилонзор туманидан Муниса Аҳмадовага насиб этди. Мунчоқли безак йўналишида "Энг ёш безакчи" номинациясида 1-ўрин Учтепа туманидан Мафтуна Халиловага насиб этди. Дўппидўзлик йўналишида "Энг замонавий дўппи" номинацияси бўйича Бектемир туманидан Асалхон Джапархонова 1-ўринни эгаллади. Кўлолчилик ва майда пластика йўналишида "Энг ёш кўлол" деб Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" маркази аъзоси Абдулло Бозоров топилди. Юмшоқ ўйинчоқ ва кўйирчоқлар йўналишида "Энг яхши миллий кўйирчоқ муаллифи" номинацияси ғолиблигига Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" марказидан Нарғиза Атавуллаева лойиқ кўрилди.

Ғолиб деб топилган иштирокчилар Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг махсус дипломи билан тақдирландилар ва танловнинг Хивада ўтказиладиган Республика босқичига йўланмани қўлга киритдилар.

Ўғил-қизларнинг санъатга меҳр қўйиб камол топаётгани қувонарли албатта, чунки уларнинг иқтидору маҳоратларини юзага чиқаришда тинмай изланишлари ўз натижасини бериши шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА

Спорт янгиликлари

СТОЛ ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Швециянинг Халмштад шаҳрида стол тенниси бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Ушбу мусобақада терма жамоамиз вакиллари ҳам иштирокчиларини бошлашди. Стол тенниси қоидаларига кўра, терма жамоалар ўз дивизионларидаги юқори ўринлар учун баҳс олиб боришади. Ўзбекистон аёллар терма жамоаси иккинчи дивизиондан жой олган бўлиб, бу тоифада Франция, Мексика, Хорватия, Колумбия, Греция, Бельгия, Аргентина,

Туркия, Испания, Эрон каби номдор терма жамоалар ўрин олишган. Вакилларимиз биринчи беллашувни Колумбия терма жамоасига қарши ўтказиб, баҳсни 3:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилишди. Шундан сўнг французларга имконият бой берилган бўлса, учинчи қарама-қаршиликда мексикаликларга ҳеч қандай имконият қолдирилмади.

Йигитларимиз эса учинчи дивизиондан жой олган бўлиб, гуруҳ босқичида мексикаликка 2:3 ҳисобида имконият бой берилганини инobatга олмаса, бошқа барча беллашувларни ғалаба билан якунлашди. Вакилларимиз энди кучли эллитикаликка кириш учун баҳс олиб боришади. Бу йўлдаги илк рақиб Малайзия терма жамоаси бўлади.

МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Тошкент денгизида 1999-2000 йилларда туғилган ва ундан ёш спортчилар ўртасида байдарка ва каноэда эшак зини бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги махсус спорт мактаблари ва клубларидан жами 277 нафар шижоатли ёш эшак эшувчи қатнашди.

Мазкур чемпионат доирасида йигитлар ва қизлар 200, 500, 1000 метр масофаларга ўтказилган баҳсларда

кураш олиб бордилар. Спортчилар орасида Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти вакиллари юқори натижалар кўрсатишди. Кучли ва тезкор эшак эшувчилар терма жамоа учун номзодлар қаторидан ўрин эгаллашди.

Ботир ХҲЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Закиров Кабил номига Юнусобод тумани, Янги Хаёт 11-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР КИЛИНАДИ**

"Чилонзор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Низомиддинов Акмал Расулович номига Чилонзор тумани, 4-мавзё, 16-уй, 21-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР КИЛИНАДИ**

"Сергели тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Эшбоев Гофур Гайимович номига Сергели тумани, Аэропорт ҳудуди кўчаси, 58-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР КИЛИНАДИ**

Ёшлар ва замон

ФИРИБГАРЛАР ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛЯПТИ?

Фирибгарлар, яъни бировни алдаб унинг маблағи, қимматбаҳо буюми ёки бошқа мулкни эгаллаб олувчи кишиларнинг ишонтириш қобилиятини кўриб, уларни бемалол "устаси фаранглар", десак хато бўлмайди.

Ён-атрофимизда фирибгарлар тузоғига тушиб бор-будидан ажраб қолаётганлар борлиги уларнинг устозлигинидир. Афсусланарли жиҳати шундаки, фирибгарликка қарши қанчалик кураш олиб борилмасин, бу иллат барҳам топмаёттир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам бу масалага эътибор қаратиб, фирибгарликни оғриқли мавзу, деб таъкидлаганди.

Ҳўш, бу иллат қаердан пайдо бўляпти, ўзи? Психологлар фикрича, одам ўз-ўзидан фирибгар бўлиб қолмайди. Бу инсоннинг болалик, айниқса, ўсмирлик даврида қандай тарбия олганига бориб тақалади. Айрим ота-оналар фарзандининг ёлғон гапиршини билса-да, бунга жиддий эътибор қаратмайди. Бировнинг нарсасини уйга олиб келса, бунга парво қилмайди. Боланинг шахс бўлиб шаклланиш даврида унинг мана шундай эътиборсиз қолиши унинг фелъ-атворида ўзгаришлар ясадики, у меҳнат қилмасдан, бировлар ҳисобига яхши яшаш мумкин, деган фикрга боради. Боланинг онгидан жой олган бу фирибгар ҳаракатларини бошқара бошлайди. Қарабсизки, бир фирибгар пайдо бўлади.

Чилонзорлик Музаффар ҳам боғчага қатнаган пайтлари ўртоқларнинг ўйинчоқларини эгаллаб олиб, уйга келтирарди. Мактабда эса турли ўқув қуролларини синфдошларидан баъзан сураб олса, баъзан алдов ёки зўрлик билан қўлга киритиб олишни ҳўш кўрарди. Болакай олиб келётган бегона буюмларга ота-она умуман эътибор бермаган.

Ота-онанинг у билан унчалик иши бўлмагани боланинг ўзбошимча бўлиб улғайишига сабаб бўлди. Буларнинг бари Музаффарни ҳеч нарсадан тап тортайдиган, сурбет ўспиринига айлантирди.

Вақтида бировнинг нарсасини олиш нотўғри экани унга тушунтирилганида, бу кичкина ўғирликларни учун бола тарбиявий иш олиб борилганида бу навиҳол тўғри ўсган бўларди. Эртага у каттароқ ўғирликка ёки фирибгарликка қўл урмаган бўларди.

Афсуски, вақти келиб унинг ҳурмат қилиқлари ота-онасига ҳам ёқмай қолди. Бир кун отаси билан тортишиб қолган йигитча уйдан бош олиб чиқиб кетди. Тумандаги компьютер хоналардан бирида яшаб юрди. Шундоғам жиноятга мойил бола муҳтожликдан фирибгарлик қилишга жазм қилди.

У шу й-хаёллар билан турганида ёнига коллежда бирга ўқийдиган ўртоқларидан бири келиб қолди. Унинг қимматбаҳо уяли телефон аппарати борлигини билган Музаффар хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам қувониб кетди.

"Ўртоқ, кўнгирик қилиб олай, телефонини бериб тур", деди унга. Коллежда унга йўқ дея олмади. Сал четроққа бориб гаплашиб баҳонасида Музаффар бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Ўз дўстининг бундай ноҳақлик қилишини кўтмаган ўқувчи аввалига уни уйдан, коллеждан қидириб қўрди. Топа олмагач, "102" рақамига кўнгирик қилиб, воқеа ҳақида хабар берди.

Музаффар эса қўлга киритилган "ўлка"ни пуллаш учун "Olx.uz"га эълон бериш ва янги "ўлка" қидириш билан банд эди. Шу орада кўчада кўриб қолган яна бир танишига ҳам ўша эски усулни қўллаб, телефонини олди. Уни ҳам бир амаллаб чақитиб ҳўфтаник ростлади.

Эълонлари ўз натижасини кўрсатиб, мижозлар бирин-кетин кўнгирик қила бошлади. Музаффар фурсатни кўздан бой бермай, телефонларнинг бирини 450 минг, яна бирини 150 минг сўмга сотиб юборди.

Албатта, бу жараёнда у ёлғиз эмас эди. Мишрод иррали ўртоғи ундан ёрданини аямда. Бунинг эвазига у ўзига яраша ҳақ ҳам олди.

Жабрланувчиларнинг ички ишлар органига мурожаатидан сўнг фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритган шахслар қўлга олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан бўлиб ўтган суд мажлисида Музаффар фирибгарлик жиноятини содир этгани, Мишрод эса жиноятни амалга оширишда қўмақлаггани маълум бўлди, — дейди Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди судьяси Сарвар Орипов. — Судгача улар етказилган зарарни қоплагани инobatга олинди. Уларнинг биринчисига энг кам иш ҳақининг 20, иккинчисига энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди. Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, ҳали коллеж ўқувчиси бўлган бу ёшларнинг тўғри йўлдан адашишларида ота-оналари, устозларнинг ўзига яраша "ҳисса"си бўлган. Уларнинг тарбияси, юриш-туриши назоратдан четда қолган. Ўзбошимчаллик эса жиноятга йўл очган. Суд мажлисида бу масала ҳам муҳокама қилиниб, уларни оғоҳлантириш чораси кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий вакили Азиз Обидовнинг маълум қилишича, жиноят ишлари бўйича судларда 2017 йилда фирибгарлик билан боғлиқ 11 миңдан зиёд шахсга нисбатан 9 миң 197 иш кўриб чиқилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорағида 2 миң 93 шахсга нисбатан 1 миң 713 иш кўриб чиқилган.

Рақамлардан кўриниб турганидек, қанчадан-қанча содда ва ишонувчан маҳоратларимиз алданиб, жабр чеккан.

Аслида мулкка нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан таъқиб этилади.

Аmmo амалиётда мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳўқуқбузарликлар орасида ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан тарлон-тороқ қилишга оид жиноятларнинг кенгайиши тенденцияси кузатилаёттир. Бундай жиноятнинг асосан ёшлар томонидан содир этилаётгани уларнинг осон бойлик орттиришга бўлган иштиёқи ошгани билан изоҳлаш мумкин. Лекин шундай қадимий халқ мақоллари, масалан "Текин тешиб чиқди", "Меҳнатнинг таги — роҳат", "Бировнинг ҳақи ўзига буюрмайди" қабилидаги нахотки ёшларимиз эшитмай улғайётган бўлса? Зеро, бундай ҳикматларни яхши билган ва уларга амал қилган ота-оналаримиз доим бировнинг ҳақидан, ҳаромдан ҳазар қилган. Асрлар синоидан ўтган бу ҳикматларни ёшларнинг қўлоғига қўйиш, онгига чўқур сингдиришга эҳтиёж туғилмоқда, назаримизда.

Норгул АБДУРАЙИМОВА, ЎЗА МУХБИРИ

ЎзГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

зи — 28-30 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 8 май кунини ҳаво ўзгариб туради, ёлғонгарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.